

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2025 йил "23" июндаги
180-сонли буйруғига
илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**“ОЛАЧИПОР ТИШЛАР”
НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ
КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

«КЕЛИШИЛГАН»
Тошкент давлат стоматология
Институтини ректори



[Handwritten signature]

» 2025 йил

“ОЛАЧИПОР ТИШЛАР” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2025

Мундарижа:

| | |
|--|-----------|
| “ОЛАЧИПОР ТИШЛАР” НОЗОЛОГИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ..... | 5 |
| “ОЛАЧИПОР ТИШЛАР” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.. | 23 |
| “ОЛАЧИПОР ТИШЛАР” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАТСИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ..... | 32 |

**“ОЛАЧИПОР ТИШЛАР”
НОЗОЛОГИЯСИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК
ПРОТОКОЛИ**

ТОШКЕНТ – 2024

1. Кириш қисми

Аннотация. Ушбу клиник протокол олачипор тишлар билан касалланган беморларга (болалар) терапевтик стоматологик қабулни амбулатор шароитида кўрсатиладиган тиббий ёрдамни хажмига бўлган умумий талабларни белгилайди. Ушбу нозология ХКТ-10нинг 10-қайта кўриб чиқилишида К00.3 Олачипор тишлар сифатида келади. Бу нозологияга флюороз, эмалнинг олачипорлиги, эмални флюорозсиз қорайиши каби касалликлар киради. ХКТ-10нинг 10-қайта кўриб чиқилишида К03.6 тишлардаги карашлар [ўсишлар] бекор қилинган ва чеклатилган.

Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ-10/11 шифр(лар)и:

| | |
|---------------|--|
| К00.3 | Олачипор тишлар |
| | Тишлар флюорози Эмал олачипорлиги Эмални флюорозсиз қорайиши Чеклатилган: тишлардаги карашлар [ўсишлар] (<u>К03.6</u>) |
| Ҳавола | https://mkb-10.com/index.php?pid=10003 |

Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқишнинг эҳтимоллий санаси: 2024 йил, қайта кўриб чиқиш санаси 2027 йил, ёки янги асосий далиллар мавжуд бўлганда. Тақдим этилган тавсияларга киритилган барча тузатишлар тегишли ҳужжатларда эълон қилинади.

Миллий клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқиш учун масъул бўлган ташкилот:

- Тошкент давлат стоматология институти (ТДСИ).

- Мультидисциплинар «Стоматология» йўналиши бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

| | |
|--|--|
| Шомуродов Қахрамон, т.ф.д., профессор | ТДСИ, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор |
| Хасанов Адхам, т.ф.д., профессор | Ўзбекистон стоматологлар ассотсиатсияси президенти. Кузатов кенгаши раисининг ўринбосари |
| Камилов Хайдар, т.ф.д., профессор | ТДСИ, Госпитал терапевтик стоматология кафедраси мудири |
| Даминова Шахноза, т.ф.д., профессор | ТДСИ, Стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси мудири |
| Акбаров Авзал, т.ф.д., профессор | ТДСИ, Факултет ортопедик стоматология кафедраси мудири |
| Шукурова Умида, т.ф.д., доцент | ТДСИ, Терапевтик стоматология пропедевтикаси кафедраси мудири |
| Муртазаев Саидмуродхон, т.ф.д., | ТДСИ, Болалар терапевтик стоматологияси кафедраси мудири |

| | |
|-----------|--|
| профессор | |
|-----------|--|

- Мультидисциплинар «Стоматология» йўналиш бўйича муаллифлар ва ҳаммуаллифлар рўйхати:

| | |
|--|---|
| Шукурова Умида. т.ф.д., доцент | ТДСИ, Терапевтик стоматология пропедевтикаси кафедраси мудири |
| Юсупалиходжаева Саодат. т.ф.д., доцент | ТДСИ, Терапевтик стоматология пропедевтикаси кафедраси доценти |
| Даминова Шахноза. т.ф.д., профессор | ТДСИ, Стоматологик касалликлар профилактикаси кафедраси мудири |
| Акбаров Авзал, т.ф.д., профессор | ТДСИ, Факултет ортопедик стоматология кафедраси мудири |
| Арсланов Отабек, т.ф.д., доцент | ТДСИ, Факултет ортопедик стоматология кафедраси доценти |
| Такризчилар: | |
| Хабибова Назира. т.ф.д., профессор | БухТИ, Терапевтик стоматология кафедраси профессори |
| Алдашева Майя. т.ф.д., профессор | С.Д.Асфендияров номли ҚозМТУ Терапевтик стоматология кафедраси мудири |

Мультидисциплинар «Стоматология» йўналиши бўйича Миллий клиник протоколларни лойиҳаси Тошкент давлат стоматология институтининг **Марказий ташкилий-услубий кенгашида 2024 йил 3 июнда 5 сонли баённома** билан муҳокама қилинди ва тасдиқлашга тавсия этилди.

Мультидисциплинар «Стоматология» йўналиши бўйича Миллий клиник протоколларни лойиҳаси Тошкент давлат стоматология институтининг Кенгашида **2024 йил 3 июнда 5 сонли баённома** билан муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Миллий клиник протокол ва стандартларни техник баҳолаш бўйича эксперт хулосаси ва таҳрирлаш:

-Артур Хайдаров. Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази, Стоматология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.И, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ:

| | |
|--------------|--|
| РКТ | Рандомизирланган клиник тадқиқотлар |
| ОТМ | Олий таълим муассасаси |
| ХКТ | Халқаро касалликлар таснифи |
| ШИЦ | Шишаиномер цемент |
| ДИД | Далилларнинг исботланганлик даражаси |
| ТИД | Тавсияларнинг ишончлилиқ даражаси |
| ТОЮЗИ | Тишнинг окклюзион юзасини зарарланганлик индекси |
| КПО | Тиш кариесининг интенсивлик индекси |
| ОНИ-S | Грин-Вермиллион гигиеник индекси |
| ГИ | Гигиеник индекс |

-Мазкур нозология бўйича Миллий клиник протокол ва стандартларнинг фойдаланувчилари:

1. Умумий амалиёт стоматологлари;
2. Терапевт стоматологлар;
3. Болалар терапевт стоматологлари;
4. Ортопед стоматологлар;
5. Гигиенист стоматологлар;
6. Стоматология йўналиши бўйича тиббиёт ОТМнинг талабалари, клиник ординаторлари, магистрлари, аспирантлари, ўқитувчилари;
7. Турли хил шаклдаги олачипор тишлар билан касалланган беморлар ва болалар, уларнинг оила аъзолари ва уларга ғамхўрлик қилувчи шахслар.

-Мазкур нозология бўйича миллий клиник протокол ва стандартларга тўғри келадиган беморлар тоифаси: флюороз, олачипор тишлар, эмални флюорозсиз қорайиши билан касалланган болалар ва катталар.

Далилларнинг исботланганлик даражаси (ДИД)ни баҳолаш шкаласи (ташхислаш аралашувлари учун)

| ДИД | Далилларнинг исботланганлик даражаси |
|-----|--|
| 1 | Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни (РКТ) тизимли шарҳи |
| 2 | Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим РКТ ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида РКТ тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно |
| 3 | Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар |
| 4 | Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи |
| 5 | Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси |

Далилларнинг исботланганлик даражаси (ДИД)ни баҳолаш шкаласи (профилактика, даволаш ва реабилитатсион тадбирлар учун)

| ДИД | Далилларнинг исботланганлик даражаси |
|-----|--|
| 1 | Мета-таҳлил ёрдамида РКТ тизимли равишда кўриб чиқилиши |
| 2 | Айрим РКТ ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида РКТ тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно |
| 3 | Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, когортли тадқиқотлар |
| 4 | Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси |

| | |
|----------|--|
| | тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти |
| 5 | Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси |

Тавсияларнинг ишончлилик даражаси (ТИД)ни баҳолаш шкаласи

| ТИД | Тавсияларнинг ишончлилик даражаси |
|------------|---|
| А | Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган) |
| Б | Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган) |
| С | Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган, кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари, натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган |

2. АСОСИЙ ҚИСМ

2.1. Кириш. Соғлиқни сақлаш тизимида Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 киритилиши билан стоматологияда «олачипор тишлар» ибораси кўлланилиб бошланди. Буни ичига тишлар флюорози, олачипор тишлар ва эмални флюорозсиз қорайиши киради. Маълумки, тиш эмали инсон танасидаги энг катта қаттиқлик, паст ўтказувчанлик ва шаффофлик билан ажралиб турадиган ноёб кристалли структурадир. Ушбу физик хусусиятлари ва ёруғлик синиши қонунлари туфайли тишнинг бузилмаган эмал билан қопланган юзаси оқ ёки оқийш-қаймоқсимон тусда кўринади. Эмал рангидаги кичик ўзгаришлар ҳам кўпчилик учун эстетик жиҳатдан қабул қилиниши мумкин эмас. Тўқ рангли соялар (оч жигарранг, жигарранг, қора) катта ташвиш уйғотади, шунинг учун тишларнинг рангидаги ўзгаришлар патологик ҳолат ҳисобланади.

2.2. Нозологиянинг умумий таърифи.

Эпидемиологик маълумотлар. Тарқалиши ва тиббий-ижтимоий аҳамияти жиҳатидан флюороз стоматологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Дунёда ушбу патологияга эга одамлар сонининг доимий равишда ўсиши кузатилмоқда. Аввало, флюороз тишларнинг эмалига унинг шаклланиш даврида таъсир қилади, яъни, флюороз одатда туғилгандан бери эндемик ҳудудларда яшовчи ёки шу эрларда 4 ёшга тўлмаган ҳолда яшаб келган болаларни тишларини зарарлайди.

Тишларни эндемик флюорози (емални эндемик олачипорлиги) – тиш қаттиқ тўқималарининг ривожланишини тизимли бузулиши бўлиб, турли оғирликдаги эмал рангини ўзгариши ва тишларни бутунлигини турли оғирлик даражасида бузулиши кўринишида кечади, шу билан бирга, уларни вазифаси тўлиқ сақланган бўлади ва кариесга юқори чидамлилиги билан ажралиб туради.

Эндемик тиш флюорози кўпчиликда учрайди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудлари: Молдовада, Украинада (Полтава минтақаси), Закавказия республикалари, Болтиқбўйи давлатлари (Паланга, Кретинга), Россиянинг Марказий Европа қисми (Коломна, Калинин вилояти, Тамбов вилояти) ва шарқий вилоятлар (Чита вилояти), Қозоғ'истон. Шунингдек, Ўзбекистон, айниқса Фарғона водийсини, Қашқадарё вилоятини ҳам кўшишингиз мумкин. Касалликнинг тарқалиши ва интенсивлиги атроф-муҳитдаги фтор контсентратсиясига қараб ўзгаради ва 90% га етиши мумкин. Флюорознинг эндемик ўчоқлари Европа, Осиё, Африка ва Американинг кўпгина мамлакатларида, асосан, тоғ тизмаларининг этагидаги ҳудудларида ҳам аниқланган. Флюорознинг энг оғир шакллари Ҳиндистоннинг бир қанча жойларида қайд этилган, бу эрда ичимлик сувидаги фторид миқдори меъёрдан 40 баравар юқори [1,6].

Амелогенез босқичида эмал ривожланишининг бузилиши ва тиш чиқишидан олдин унинг минераллашувининг бузилиши кристалл ультраструктурасида турли хил ўзгаришларга олиб келиши мумкин,

охиридаги ҳолат эса оддий кўз билан кўринадиган ёруғлик синишининг ўзгаришига олиб келади ва эмал хиракашган тусга киради: опал ранг, оч сарғиш ва эмалнинг ҳипоминарализатсия даражаси билан белгиланадиган бошқа соялар сифатида намоён бўлади. Етарли даражада минерализатсияланмаган эмал кўпроқ органик моддаларни ўз ичига олади ва нур ўтказиш хусусияти камроқ бўлади. Ғоваклилиги ошган эмал озиқ-овқат бо'ёқларини ўзига сингдиришга юқори мойилликда бўлади, бунинг натижасида тиш вақт ўтиши билан қорайган бўлади. Флюорозда эса эмалдаги ранг ўзгаришларининг механизмлари охиригача ўрганилмаган [2,14].

Тиш эмалининг ривожланишидаги бузилишларининг сабабларига организмни фтор билан сурункали тарзда заҳарланиши, узоқ муддатли овқатланиш тартибини бузилиши, тиш чикишидан олдин бўлиб ўтган организмдаги умумий касалликлари, доимий тиш куртакларининг турли жароҳатлар туфайли шикастланишлари ҳисобланади, аммо бу сабабларни аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин эмас [3,8].

Тиш флюорози – тиш қаттиқ тўқимаси ривожланишини тизимли тарзда бузулиши бўлиб, турли оғирликдаги тиш рангини ва бутунлигини ўзгариши (олачипор эмал) билан кечиб, тиш ўз функциясини кариесга нисбатан юқори турғунлигини сақлаб қолади. Умуман олганда, флюороз ичимлик суви таркибида фтор миқдори юқори бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолига катта муаммони келтириб чиқаради.

Этиологияси. Тишларни эндемик олачипорлигини ёки флюорознинг этиологиясини аналитик эпидемиология маълумотлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Ўтган асрнинг бошларида тиш эмалининг ғайриоддий жигарранг пигментатсияси стоматологларни эътиборини тортди ва бу "холли эмал" деб номланди (Mottled enamel). Жигарранг тишлар фақат маълум жойларда топилган бўлиб, тишни ривожланиш даврида шу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолида бўялиши кузатилган. Шу билан бирга, муаммоли ҳудудга доимий истиқомат қилишга келган ёшларни тишларида жигарранг тусдаги бўялишлар аниқланмаган, ҳаттоки шу ҳудудда узоқ вақт давомида яшаган бўлса ҳам. Ушбу кузатувлар асосида, холли эмални учраши юқори бўлган ҳудудларни – эндемик ҳудудлар деб номланди. Шунингдек, эндемик ва ноендемик ҳудудлар турли хил сув таъминоти манбаларига эга эканлиги аниқланди. Шунинг учун тишларнинг жигарранг бўялишининг сабаби ичимлик суви бўлган деб тахмин қилиш мумкин эди [5,9,15].

1934 йилда америкалик олим Дин томонидан флюорозни келтириб чиқарувчи омил аниқланди. Касаллик тишларни ривожланиш даврида атроф муҳитдан (сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, атмосфера) организмга фтор миқдорини меъёрдан ортиқ тарзда кириши ҳисобига вужудга келади. Фторни асосий манбаи — ичимлик суви. Агар организмга фтор ичимлик суви билан суткасига 1,5 мг дан ортиқ миқдорда кирса, тиш ва суякларни флюорози

ривожланади. Қанчалик фторни миқдори кўп тушса организмга, шунчалик касаллик оғир тарзда кечади [3,9].

Патогенез. Тиш флюорозининг патогенези охиригача ўрганилмаган. Флюороз билан боғлиқ тадқиқотларга катта хисса қўшган олимлардан проф. В. К. Патрикеев ва проф. А. К. Николишин бўлади. Меъёрдан ортиқ равишда организмга кирган фтор, амелобластлар фаолиятига таъсир этади. Натижада, хаддат ташқари кўп миқдорда фторапатитни ҳосил бўлиши ҳисобига эмални ултраструктураси бузилади. Флюорозли тишларда тадқиқот натижаларига кўра, эмал таркибида кескин ўзгаришлар йўқлиги аниқланди, аммо ундаги фторид концентратсияси бироз ошганлиги исботланди. Анъанавий ёруғлик микроскопидаги текширувларда эмал одатдагидан фарқ қилмайди. Бироқ, поларизатсияланган ёруғлик остида эмалда гипоминерализатсия жойлари аниқланади. Электрон микроскопда эса эмалдаги фторапатит кристалларининг ортиқчалиги аниқланди. Бундай ўзгаришларнинг даражаси касалликнинг оғирлигига боғлиқ [1,7,10].

Тиш флюорозининг патогенези бугунги кунгача ноаниқ бўлиб қолмоқда. Замонавий экспериментал ва клиник тадқиқот маълумотларига кўра ортиқча фтор флюороз пайтида тўқималарнинг шикастланишига олиб келадиган тизимли оксидловчи стрессни ривожланишига олиб келиши, бу эса флюорозда тўқималарни зарарланишига олиб келиши билан исботланган [3]. Флюороз билан касалланган болаларда фтор миқдорининг юқорилиги спесифик ва носпесифик ҳимоя тизимига ноҳўя таъсир қилиши, сўлакдаги иммуноглобулин А концентратсиясини ва лизотсим активлигининг пасайишига олиб келади [2].

Таснифлар.

- Касалликлар ва улар билан боғлиқ соғлиқ муаммоларининг халқаро статистик таснифи, ўнинчи қайта кўриб чиқиш:

K00.3 Олачипор тишлар:

K00.30 Эмални эндемик (флюорозли) олачипорлиги (тишлар флюорози);

K00.31 Эмалнинг ноендемик олачипорлиги (тиш эмалининг флюорозсиз қорайиши);

K00.39 Олачипор тишлар (аниқланмаган)

- Шунингдек, В.К.Патрикеев таснифи ҳам кенг тарқалган бўлиб, унга кўра флюорозни штрихсимон, доғсимон, борсимон-олачипор, эрозив ва деструктив шакллари фарқланади.

- ҳорижий мамлакатлардан кўп ҳолатларда И. Моллер ишлаб чиққан таснифдан фойдаланилади. Бу таснифга кўра касалликни бешта оғирлик даражаси қайд этилган. Флюорозни даражасини аниқлашда нафақат зарарланиш элементлари (чизиклар, доғлар, деструксия соҳалари) инобатга олинади, балки, уларни майдони ҳам (жадвал 1) [2,4,13].

И. Моллер бўйича тиш флюорозининг таснифи

| Флюороз даражаси | Белгиси | Клиник белгилари |
|------------------|-----------|---|
| I | Ўта енгил | Чизиклар ёки нуқтали оқ доғлар оддий эмал рангидан бир оз фарқ қилади |
| II | Енгил | Зарарланиш элементлари (чизиклар ва оқ доғлар) тиш тожи юзасининг тўртдан биридан камроқ қисмини эгаллайди. |
| III | Ўртача | Чизиклар ва доғлар тиш тожининг ярмидан камроқ қисмини эгаллайди |
| IV | Ўрта оғир | Тишларнинг юзалари асосан жигарранг рангга эга |
| V | Оғир | Жигарранг фонда эмални йўқ бўлган жойлари (ботикликлар, эрозиялар, нотекислик) аниқланади. |

Эмалнинг ноэндемик (флюорозсиз) хиралашишига (эмалнинг ноэндемик олачипорлиги) гипоминерализация таълуқли бўлиб – бу тиш қаттиқ тўқималарини ривожланиши бузулиш бўлиб, бу биттадан тўрттагача доимий моляр тишларни тизимли тарзда доимий курак тишлар билан биргаликда зарарланиши бўлиб ҳисобланади. Ташхисни қўйиш ва асослаш учун битта бўлса ҳам доимий моляр тиш зарарланган бўлиши лозим.

Олачипор тишларни белгиловчи белги ва мезонлар бўлиб ҳисобланади:

эмални эндемик олачипорлигида – анамнез маълумотлари: ҳаётнинг биринчи 6 йилида организмга фторидларни хаддан ташқари кўп кириши, доимий тишларни чиқишида эмални ранги ўзгарган бўлиб, борсимон тусдан жигарранг тусгача бўлган турли хажмдаги чизиклар ва доғлар кўринишида намоён бўлади;

эмални ноэндемик (флюорозсиз) қорайишида – тиш қаттиқ тўқималарини шаклланишидаги ўзгаришлар уларни чиқиш вақтида (1 дан 4тагача биринчи молярларгача ва (ёки) курак тишлар) кузатилиб, шаффоф бўлмаган эмал соҳалари кўринишида, унинг зарарланган ва соғлом соҳалари орасидаги аниқ ўзгармаган тўқима чегараси (шаффофлик) борлиги билан хиралашиши кўринишида кузатилади. Биринчи моляр тишларни эмали тешикли сарғиш рангга кириб – «пишлоқли» тишлар деб номланади. Курак тишларда доғлар оқ рангли бўлади. Тишлар механик ва харорат таъсирларига сезгир бўлади.

2.3. Клиник белгилари.

Эмалнинг хиралашиши тиш чиққандан кейин ёки бироз вақт ўтгач аниқланиши мумкин. Кўпинча хиралашиш ўчоқлари аниқ чегарали доғлар кўринишида пайдо бўлади. Эндемик тиш флюорозининг биринчи белгиси – эмалнинг олачипорлиги. Эндемик флюороз тишларни чиқишида эмал рангининг ўзгариши билан намоён бўлиб, бунда эмал шаффофлигини

йўқотади, хиралашади, сарғиш ёки жигарранг тусга киради. Рангларни ўзгариши тиш тожи соҳасида турли хажмдаги чизиклар ва доғлар кўринишида намоён бўлади. Уларнинг миқдори, хажми ва бўялиши касалликнинг оғирлик жаражаси тўғрисида далолат беради [5].

Беморларни шикоятлари тиш қаттиқ тўқимасидаги рангини ўзгариши билан кечувчи (оч сарғишда жигарранг тусгача) косметик нуқсонга ва ёки тож қисмида мавжуд эмал структурасидаги ўзгаришларга бўлади. Оғрик кузатилмайди.

Касаллик анамнези – тиш ўзгарган эмал билан чиққан, вақт ўтган сари доғлар ёки чизиклар катталашмаган. Яшаш жойида сувдаги фторни миқдори 1,5 мг/л дан юқори.

Объектив: Кўрик. Флюороз соҳалари тишларни вестибуляр ва тил юзаларида иммун зоналар соҳасида жойлашади (тишларни дўмбоқлари, курак тишларни кесув қирраси, тиш тожининг эксатор соҳаси зарарланади). Доғлар симметрик тишларда жойлашган. Нуқсон юзаси хиралашган бўлиб, уни юзасида аниқ кўринадиган пигментланган доғлар ва нуқталарни кўриш мумкин. Алоҳида ҳолатларда эмал сарғиш тусда бўлади. Уни устида деструкция соҳаларини кўриш мумкин — 0,1-0,2 мм чуқурликдаги ва 1,5 ммгача диаметрдаги туби пигментланган холлар аниқланади.

В.К. Патрикеев (1956) томонидан яратилган флюорознинг маҳаллий таснифда 5та шакллар келтирилган [4,13,15].

Штрихсимон шакли асосан юқори жағнинг фронтал тишларни вестибуляр юзасида, кам холларда пастки жағда қийин аниқланадиган, унча катта бўлмаган мелсимон чизиклар – штрихлар кузатилади. Чизиклар қийин аниқланувчи бўлиб, кўпинча тиш юзасини куритиш вақтида аниқлашни имкони бўлади.

Доғсимон шакли тишларни бутун юзаси бўйлаб жойлашадиган катта хажмдаги мелсимон доғлар кўринишида кузатилади. Доғлардаги оқиш бўялишни жадаллиги доғни марказидан перифериясигача йўқолиб боради. Эмални ўзгарган соҳалари меъёрдаги эмалга ўтиб боради. Эмални доғсимон зарарланишини аксарият тишларда аниқлаш мумкин, аммо, кўп ҳолатларда юқори ва пастки жағнинг курак тишларида намоён бўлади. Доғ соҳасидаги эмал юзаси силлиқ, ялтироқ. Баъзида енгил намоён бўлган оч-сарғиш пигментацияни аниқлаш мумкин.

Борсимон-холли шакли нафақат фронтал тишлар соҳасида, одатда барча тишларда кузатилади ва клиник жиҳатдан турлича кечиши билан характерланади: оқ ялтироқ ва хиралашган доғлар, доғларни пигментацияланиш соҳалари оч тусдан тўқ-жигарранг тусгача бўлади. Одатда доғлар фронтал тишларнинг вестибуляр юзаларида жойлашади. Баъзан катта бўлмаган думалоқ эмал нуқсонлари – холлар (диаметри 1,0-1,5 мм ва чуқурлиги 0,1-0,2 мм) кузатилади. Уларнинг туби оч-сарғиш ёки тўқ рангда.

Борсимон-холли шакли эмални жадал тарзда емирилиши билан кузатилиб, пигментлашган дентинни очилиб қолишига сабабчи бўлади.

Эрозив шакли эмалнинг яққол пигментацияси билан кузатилиб, турли шаклдаги нуқсонлар – эрозиялар билан намоён бўлади. Холлардан фарқли равишда эрозиялар турли шаклга эга бўлади. Эрозив шаклда эмал ва дентинни жадал емирилиши билан кузатилади. Агар битта бўлса ҳам эрозия аниқланса, бу ҳолат флюорозни ривожланишининг оғир даражаси тўғрисида далолат беради.

Деструктив шакли фторни миқдори 10-12 мг/л бўлган эндемик туманларда кузатилиб, тиш тожининг шаклини ўзгариши, бориб-бориб тиш эмалини емирилиши ва тиш қаттиқ тўқималарини патологик емирилиши билан кечади. Бу шаклда тиш тўқималари ута мўрт ва осон синувчан бўлади. Лекин ўринбосар дентинни ҳосил бўлиши сабабли тиш бўшлиғи очилмайди.

Клиник белгиларни умумлаштирган ҳолда, тишларни флюорози — бу эмални табиий рангидан фарқланиши бўлиб, оқиш тусдан жигарранг тусгача рангини ўзгариши билан кечадиган жараён бўлиб ҳисобланади. Оҳирги ҳолат бемор томонидан эстетик шикоятларни келтириб чиқаради. Оғир шаклларида, тиш юзасида тирқишлар, эгатлар, синиклар, патологик емирилиш кўринишидагши деструкция ўчоқлари бўлиб, бунда беморлар нафақат тишни жигарранг рангига, балки, уларни емирилишига ва мўртлигига шикоят қилишади. Стоматолог шифокорлар флюорознинг оғир шакллари кариес билан адаштиришади.

2.4. Ташхислаш (диагностика) мезонлари

Флюороз диагностикаси анамнез, клиник текширув, қўшимча текшириш усуллари йиғиш орқали амалга оширилади ва тиш қаттиқ тўқималарининг ҳолатини ва даволаш учун кўрсатмаларни аниқлашга, шунингдек, ушбу касалликнинг ривожланишига ёрдам берган тарихдаги омилларни аниқлашга қаратилган.

Флюорознинг қиёсий ташхиси клиникада ва/ёки турли тақдимотлардан флюорозни камида учта оғирликдаги (II, III ва IV) клиникани кўрган шифокор стоматолог учун бошқа нокариес ва кариес касалликлардан ажратиб, фарқлаб олиш учун қийинчилик туғдирмайди. Фторознинг учта даражаси тишларнинг оқ ва жигарранг рангга ўзгариши, шунингдек жигарранг фонда эмал нуқсонлари кўринишида намоён бўлади.

Флюорозни ташхислаш учун учта қўшимча белгилар катта ёрдам беради:

Тизимли зарарланиш, барча тишлар оқ ёки жигарранг тусга бўялганда;

Кариесга учраган тишларни йўқлиги ёки жуда камлиги;

Беморни доимий истиқомат қилиш жойида ичимлик сувидаги фторни миқдори юқори бўлиши.

Кариоз доғлар, флюорозли доғлар каби кўплаб бўлиши мумкин, аммо, улар одатда бўйин олди соҳада, тиш қарашини остида жойлашади, шунингдек, флюороздан фарқли равишда бўёқлар билан бўялмайди. Кариоз доғлар тишларни фторсақловчи тиш пасталари билан ювганда йўқолади ёки доғлар вақт ўтиши билан ковакка айланади, флюороз эса йўқолмайди, аммо,

оғир даражадаги флюорозда эмалда чуқур бўлмаган бўшлиқлар вужудга келади, уларни зондлаганда оғриқ бўлмайди.

Эмал гипоплазияси эмални чала ривожланиш фониди (amelogenesis imperfecta) кечади ва оғир даражадаги флюороз — яъни тишларни тизимли зарарланиши билан ўхшаш бўлади. Бу кам учрайдиган наслий касаллик бўлиб, флюороздан фарқли равишда барча тишлар тез емирилишга учрайди.

Тишларни ноендемик олачипорлиги флюорозни енгил даражаси билан қиёсий ташхисни ўтказишда катта муаммоларни келтириб чиқаради, айниқса, кўплаб тишларда диффуз тарзда хиралашув кузатилган ҳолатларда. Бундай ҳолатда ичимлик суви таркибидаги фтор миқдорини аниқлаш бўйича анамнез кўрсаткичлари ёрдам беради. Ноендемик олачипор тишлардаги доғлар сарғиш ва жигарранг тусда, яқка бўлади, флюорозда эса барча тишлар зарарланади. Бу касалликларни қиёсий ташхислаш муҳим бўлиб, флюорозни оғир шакллари ривожланишини олдини олишда алоҳида аҳамиятни касб этади.

Тишларни ёриб чиқишидан кейинги бўялиши одатда қониқарсиз гигиенада, чекиш, тишларни жарохатида, баъзи тизимли касалликларда намоён бўлади, ва уларни диққат билан беморни кўригини олиб боришда қиёслаш қийинчилик туғдирмайди.

Флюорозни доғ босқичидаги кариес ва юза кариес билан қиёсий ташхислаш (жадвал 2).

Жадвал 2.

| Ташҳис | Қиёсий ташҳис учун асос | Текшириш усуллари | Ташҳисни истисно қилиш мезонлари |
|---|--|---|--|
| Доғ босқичидаги кариес (бошланғич кариес) | Умумий клиник белгини борлиги: эмал рангини ўзгариши (доғли ва штрихли шакли). | Сўров. Визуал кўрик. Зондлаш. витал бўяш усули. Транслюминация усули. | Анамнезда эндемик туманда яшаши тўғрисидаги маълумотларни йўқлиги; яқка нуқсон. Симметрик зарарланишни йўқлиги; Нуқсонни кариесга хос бўлган юзада жойлашиши; Жараённи прогрессив кечиши; Эмални хиралашуши ва ялтироклигини йўқолиши; Зондлаганда ғадир-будирлик; |

| | | | |
|-------------------|--|---|--|
| | | | Витал бўяшда ижобий натижани борлиги; Транслюминатсия усулида ижобий натижа. |
| Юза кариес | Умумий клиник белгини борлиги: эмал нуқсони (мелсимон-олачипор, эрозив, деструктив шакллар). | Сўров. Визуал кўрик. Асбоблар билан текшириш. | Анамнезда эндемик туманда яшаши тўғрисидаги маълумотларни йўқлиги; Симметрик зарарланишни йўқлиги; Нуқсонни кариесга хос бўлган юзада жойлашиши; Якка нуқсон; нотўғри шакл; Жараённи прогрессив кечиши; Зондлашда зондни кириб ушланиб қолиши. |

Хавола: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-vybora-minimalno-invazivnogo-lecheniya-pyatnistoy-formy-flyuoroza-zubov>

3. ФЛЮОРОЗНИ ТАШҲИСЛАШ ВА МОНИТОРИНГИ (ТИД-А)

Олачипор тишларни ташҳислашни асосий тамойиллари: анамнез йиғиш ва тишларнинг шаклланиш ва минераллашув даврида (хаётнинг дастлабки 6 йилида) пайдо бўлишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш; доғли тишларнинг қиёсий ташҳиси.

Асосий ташҳисловчи чоралар бўлиб ҳисобланади: анамнез олиш; оғиз бўшлиғини қўшимча асбоблар ёрдамида текшириш, палпатсия, перкуссия, тишларнинг қаттиқ тўқималари, тишлар, пломба, протезлар ва ортодонтик асбоблар (агар мавжуд бўлса), периодонтал тўқималар ва оғиз шиллиқ қаватининг ҳолатини баҳолаш; стоматологик саломатликни баҳолаш индекси: тиш кариес интенсивлиги индекси - КРО, гигиеник индекс Грин, Вермиллион – ОҲИ-С ёки тиш қараши индекси Силнесс, Лое – ПЛИ, периодонтал тўқималарнинг ҳолатини баҳолаш индекслари (гингивал индекс Лое, Силнесс – ГИ).

Қўшимча ташҳисловчи (тиббий кўрсатмалар бўйича) чоралар бўлиб ҳисобланади: тиш қаттиқ тўқималарини витал бўяш; мутахассис шифокор маслаҳати (шифокор-стоматолог-ортодонт, шифокор – болалар эндокринологи); инструментал ташҳислаш тадқиқоти (радиацион текшириш усули): маҳаллий ҳудуд учун дастур ёрдамида махиллофасиал соҳанинг конуснинг нурли компютер томографияси (6 ёш ва ундан катта болаларга

моляр-курак гипоминерализатсиясида); тишнинг окклюзион юзасини зарарланиш индекси (ТОЮЗИ).

ТИД-А

| | |
|----------|---|
| А | Кучли тавсия. Юқорида келтирилган асосий ва кўшимча ташхислаш усуллари олачипор тишлар ва эмал флюорозини тўхри ташхис қўйишда муҳим аҳамият касб этади ва тўғри даволаш чорасини танлашга замин яратади |
|----------|---|

Хавола: <https://cyberleninka.ru/article/n/minimalno-invazivnoe-lechenie-flyuoroza-zubov>

4. АМБУЛАТОР ШАРОИТДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ

Турли кислоталар ва фаол кислородни ўз ичига олган бошқа махсус воситалар билан тишларни оқартиришнинг кўплаб усуллари мавжуд (А.К. Николишин, 1999; О.М. Леонович, Ж.М. Бурак, 2007). Оқартириш техникаси кўп меҳнат талаб қилади ва тишлар ва оғизнинг юмшоқ тўқималари учун хавфсиз эмас. Энг яхши натижаларга флюорознинг енгил шакллари бўлган беморларда эришилади, аммо даволанишнинг таъсири ҳар доим ҳам барқарор эмас. Тиш пасталари, сақичлар ва эликсирлардаги кенг реклама қилинган оқартирувчи воситалар ёрдамида тиш флюорозини ўз-ўзини даволашга йўл қўйилмаслиги керак, чунки улардан узоқ муддат фойдаланиш тишларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Г.Д.Оврутский тиш флюорозидида қўнғир доғларни силлиқлаб, сўнг пергидрол билан ҳўлланган тампон суртишни, тишни кварцс лампа билан 3-4 минут давомида нурлантиришни ва кейин унинг юзасига 75% ли фторли паста суртишни таклиф қилди. Ушбу даволаш беморга 2 ёки 3 марта ташриф буюриш орқали амалга оширилади.

Тишларнинг флюорозли пигментатсиясини бартараф қилиш учун реминерализатсион терапияни қўллаш мақсадида, биз кислотадан фойдаландик. Тиш юзасига 10% хлорид кислотаси эритмаси билан намланган пахта болиши билан ишлов берилади. Шундан сўнг, тиш ювилади ва 15-20 дақиқа давомида кальций глюконатнинг 10% эритмаси билан аппликация қилинади. Қаттиқ тўқималар кислота таъсирида кучли декальцификацияланганлиги сабабли, тишнинг қаттиқлашиши учун зарарланган ҳудудда реминерализация терапияси курсини ўтказиш тавсия этилади. Бу билан барқарор оқартиришга эришади.

"Олачипор тишлар"ни даволаш нозологиясининг асосий тамойиллари

Флюорозли беморларни даволаш тамойиллари бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммоларни ҳал қилишни таъминлайди:

- 1) зарарланган тишнинг анатомик шаклини ва бутун тиш тизимининг функционал қобилиятини сақлаш ва тиклаш;
- 2) беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш.

Олачипор тишлари бўлган беморларни комплекс даволашни режалаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ✓ касалликнинг шаклини баҳолаш (ендемик флюорознинг шубҳали, жуда заиф ва заиф шакллари бўлса, даволаш амалга оширилмайди);
- ✓ терапевтик даволаш - тиш қаттиқ тўқималарида нуқсонлар мавжуд бўлганда;
- ✓ жарроҳлик даволаш - 6-8 ёшда молярларни тезда зарарланиши;
- ✓ ортодонтик даволаш - тиш нуқсонлари ва тиш-жағ аномалияларида;
- ✓ ортопедик даволаш - эндемик флюорознинг оғир шаклларида ва эстетик нуқсонлар ҳақида шикоятлар мавжуд бўлганда.

Олачипор тишлари бўлган беморлар учун терапевтик тадбирлар мажбурий ва қўшимча терапевтик тадбирларни ўз ичига олади (жадвал 3).

Жадвал 3.

Олачипор тишлар ва флюороз билан касалланган беморларга тавсия этиладиган даволаш чоралари

| Олачипор тишлар ва флюороз билан касалланган беморларга кўрсатиладиган даволаш чоралари | | | | |
|--|---|---|---|---|
| Мажбурий даволаш чоралари | | | | |
| Бемор мотивацияси | Эндемик флюорозда оғиз бўшлиғи гигиенасини кальций сақловчи тиш пасталар билан, кальций, ва фосфор ионини сақловчи тиш пасталар билан, гипоминерализациясида фтор сақловчи (фторид миқдори 1 450 ppmдан кам бўлмаган холда) пасталар билан қўллашни ўргатиш | Профессионал оғиз гигиенасини амалга ошириш | Гипоминерализациясида – реминерализация давоси 1 ой давомида, йилига 2 марта (кальций-фосфат сақловчи дори воситалар), фторид сақловчи лак йилига 2-4 марта | Фиссура ва чуқурчаларни герметизацияси (ШИЦ ёки силанлар) |
| Қўшимча даволаш чоралари (тиббий кўрсатма бўйича) | | | | |
| Тишларни реставрацияси ШИЦ, компомер | Чайнов функцияни тиклаш ва эстетик кўрсатмалар бўйича ТОЮЗИ 0,6 дан 0,8гача бўлганда сунъий қопламалар | | Кўрсатма бўйича олачипор тиш билан касалланган беморларда (болаларда) дори воситалар буюрилади | |

| | | |
|-------|--|--|
| билан | қилинади (шифокор стоматолог-ортодонт томонидан) | |
|-------|--|--|

Олачипор тишлар ва флюорозни маҳаллий ва умумий даволаш сифатида касалликнинг оғирлигига қараб белгиладиган асосий ва қўшимча воситалар мавжуд (жадвал 4,5).

Жадвал 4.

**ФЛЮОРОЗДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР
РЎЙХАТИ**

| Фармакотерапевтик гуруҳ | Препаратнинг халқаро патентланган номи | Қўллашга кўрсатма | Ишонч даражаси |
|-------------------------|--|--|---|
| Кальций-сақловчи восита | 10% кальций глюконат эритмаси; | Олачипор тишлар ва флюорозни реминерализацияловчи даволаш учун | https://diseases2.medicines.com/disease/%D1%84%D0%BB%D1%8E%D0%BE%D0%B7/14960?ysclid=lwlqx0m8ca59077121 |
| Кальций-сақловчи восита | 10% Кальций лактат эритмаси; | Олачипор тишлар ва флюорозни реминерализацияловчи даволаш учун | https://diseases2.medicines.com/disease/%D1%84%D0%BB%D1%8E%D0%BE%D0%B7/14960?ysclid=lwlqx0m8ca59077121 |
| Кальций-сақловчи восита | 10% Кальций глицерофосфат эритмаси. | Олачипор тишлар ва флюорозни реминерализацияловчи даволаш учун | https://diseases2.medicines.com/disease/%D1%84%D0%BB%D1%8E%D0%BE%D0%B7/14960?ysclid=lwlqx0m8ca59077121 |

Жадвал 5.

**ФЛЮОРОЗДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ВОСИТАЛАР
РЎЙХАТИ**

| Фармакотерапевтик гуруҳ | Препаратнинг халқаро | Қўллашга кўрсатма | Ишонч даражаси |
|-------------------------|----------------------|-------------------|----------------|
|-------------------------|----------------------|-------------------|----------------|

| | патентланган номи | | |
|---|---|---|---|
| Кальций ва фосфор алмашинувини нг регулятори | Кальций глитсерофосфат (Салсиум глісеропҳоспҳате) | Олачипор тишлар ва флюорозни умумий давоси учун | https://diseases2.medicines.com/disease/%D1%84%D0%BB%D1%8E%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%B7/14960?ysclid=lwlqx0m8ca59077121 |
